# Планшетчи Абдуқаҳҳор

Байрамни, бирон шодиёнани оилангиз даврасида яйраб, қувнаб нишонлаётганингизда Ватан посбони сарҳадларимизда туриб, осойишталикни, тинчликни ҳимоя қилаётган бўлади. Оддий аскар Абдуқаҳҳор Ғуломовнинг чекига бундай масъулият кўп бора тушган. Конституциянинг 10 йиллиги нишонланган кунларда ҳам у жанговар навбатчиликда бўлди.

Айтганча, посбон ҳаво сарҳадларимиз ҳимоясида. Яъни, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинига қарашли жамоада планшетчи. У юксак касбий маҳоратга эга аскарлардан. Масалан, Абдуқаҳҳорнинг соҳани мукаммал билишини якуний синовлардаги машқлари кўрсатиб турибди.

... Оператор ҳаво сарҳадимизга яқинлашаётган самолёт ҳақида зудлик билан маълумот берди. Унинг тезлиги, курси, азимути ва бошқа маълумотлари тезда планшетда акс этиши керак. Бунда самолётнинг курс, тезлик ўзгаришидаги ҳар бир маълумотини мунтазам кузатмоқ лозим. Ҳушёрлик, сергаклик, аниқлик бу ўринда муҳим мезон. Демак, геометрия, ҳисоб илмини пухта билиш ҳам талаб этилади. Хуллас, якуний синов давомида оддий аскар Ғуломов 7-8 нишонни планшетга аниқ белгилай олди. Бу билан жанговар шайлиги юксаклигини исботлаб, «яхши», «аъло» баҳоларга мавсумни якунлади.

Абдуқаҳҳор 2001 йилда радиокоммуникация коллежини тугатиб, кузда сафларга қўшилган. Йигитдаги шижоат, қатъият ўз самарасини бериб, Қуролли Кучларнинг 10 йиллик тўйида у Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган хизматдаги ютуқлари учун қисқа муддатли таътилда ҳам бўлиб қайтди. Бунда, албатта, унинг устози катта лейтенант Равшан Салимовнинг хизматлари беқиёс.

Аскар йигит билан суҳбатлашиб туриб, унинг туғилган куни 2 март эканлигини билиб олдим. «Бу сана мамлакатимиз ҳаётида муҳим эканлигини биласизми?»,— сўрайман ундан.

— Албатта, БМТга қабул қилинган кунимизни билмасдан бўладими. Қизиғи шунда-ки, оила аъзоларимизнинг деярли бари март ойида таваллуд топишган, — дейди, у.

Оддий аскар А. Ғуломов қишки ўқув мавсумини кўтаринки руҳда бошлади. Оддий аскарлар — Равшан Турсунқулов, Андрей Кван, Икром Ҳожиматов каби сафдошлари билан умумжамоа ютуғига улкан улуш қўшмоқда, ўғлон.

— Олдинда Қуролли Кучларимизнинг 11 йиллик тўйидек қутлуғ байрам турибди. 10 йиллик тантанага муносиб совға ҳозирлагандим. Бу гал ҳам суръатни бўшаштирмайман. Она юртим учун асл посбон бўлишдек мақсадим бор экан, жанговар тайёргарликларда ютуқларга эришишга ҳаракат қилавераман.

Бу — посбон қалбидан отилиб чиққан самимий сўзлар эди.

**Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.**

## ЎРНАК КЎРСАТИШМОҚДА

Қишки мавсум ўқув машғулотлари қизғин бораётган шу кунларда оддий аскар А. Уринов хизмат қилаётган булинмада ҳар бир аскар ўз вазифасига юксак масъулият ҳисси билан ёндашиб, жанговар, ижтимоий-сиёсий, техник ва бошқа тайёргарликларда юқори кўрсаткичларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

— Жамоамизда,— дейди оддий аскар А. Ўринов,— умумютуққа ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган жангчилар куплаб топилади. Машғулотларда эришаётган барча ютуқларимиз эса 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига муносиб совғамиз бўлади. Бўлинмамиз аскарлари ўз бурч ва вазифаларини дилдан ҳис қилиб, машғулотларда юқори натижаларга эришиш учун ҳаракат қиладилар.

# ЁШ ОФИЦЕР ИБРАТИ

Катта лейтенант Анвар Саидовнинг офицерлик либосини кийганига эндигина икки йилдан ошди. Аммо хизматдаги ютуқлари билан тажрибали офицерлар сафидан жой олиб улгурди, у. Астойдил интилганга толе ёр, дейдилар. Буни Анвар амалда исботлади.

Бухоро вилоятидаги 27-лицейни аъло баҳолар билан тугатган қаҳрамонимиз Тошкент олий ҳарбий техника билим юртига ҳужжат топширди. Ўшанда тенгдошлари орасида унга қарата: «Осилсанг баланд дорга осил», дегандай бўлибди-ку жўра, дегувчилар ҳам бўлди. Омадни қарангки, астойдил тайёргарлик кўриб, барча синовлардан муваффақиятли ўтган йигитга курсантлик либосини кийиш насиб этди. У ўқиш давомида ҳаракатчанлиги, чидамли ва матонатлилиги боис кўп ўтмай пешқадам курсантлар сафидан жой олди. Тўрт йил ичида ҳарбий билимга эга бўлди, синовларда чиниқиб, кўркам йигитга айланди. Билим юрти битирувчилари шарафига ўтказилган тантанали тадбирга таклиф этилган отаси — жондорлик чилангар Яраш Саидов ўша онларни қуйидагича ҳикоя қилади:

— 2000 йилнинг ёзи эди. Билим юрти ҳовлиси битирувчиларнинг ота-оналари, яқин кишилари билан гавжум. Битирувчи ёшлар қаторида ўғлим Анваржонни ҳам айтиб ўтишди. Унга ҳам диплом ва лейтенантлик унвони топширилди. Бу кунни мен асло унутмайман. Чунки ўзим эриша олмаган бундай бахтга ўғлим эришди.

Ёш офицер — лейтенант Анвар Саидов билим юрти йўлланмаси билан Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисмда хизматини бошлади. Қисқа синовдан сўнг уни махсус тезкор батальон бўлинмасига командир этиб тайинлашди. Дастлаб, табиийки қийинчилик бўлди, албатта. Бироқ эгаллаган билим ва маҳоратига таянган ҳолда, тажрибали устоз офицерлардан маслаҳат олиб иш юритиши натижасида бўлинмани секин-аста етакчи ўринга олиб чиқди. Ватанни севиш, халқ тинчлиги, истиқлолимиз барқарорлиги учун фидойилик фазилатлари ҳар қандай мураккаб топшириқни бажаришда унга ва унинг қўл остидаги йигитларга муваффақият келтирди.

Анваржоннинг хизматдаги ютуқларини қўмондонлик муносиб қадрлаб келмоқда. Чунончи, 2001 йил якунлари бўйича унинг бўлинмаси барча кўрсаткичлар рейтингида фахрли 1-ўринни эгаллаб, рангли телевизор ҳамда пул мукофотини қўлга киритди. Шу билан бирга жанговар тайёргарлиги ва алоҳида ибрат кўрсатаётганлиги учун унга муддатидан олдин катта лейтенант унвони берилди. Яна шуниси қувонарлики, у Президентимиз Фармонига кўра «Ўзбекистон Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган мамлакатимиздаги энг ёш умидли офицерлардан.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшиб, обрў-эътибор топаётган катта лейтенант Анвар Саидов сингари фидойи, шижоатли ҳарбийларга Янги йил ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида саломатлик ва омадлар тилаймиз.

**Қудрат ХЎДОЕВ.**



**Офицер отдела боевой подготовки майор Дмитрий Гула немало поработал над тем, чтобы в частях и подразделениях округа успешно начались занятия в новом учебном году. А теперь и сам показывает пример успешного выполнения упражнений учебных стрельб.**

Фото **Н. ЮСУПОВА.**

## ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

— Аскарлик даври ҳар бир йигит учун воқеаларга бой, ўзлигини англаб, баркамол бўлиб етишадиган давр ҳисобланади. Буни мен ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтяпман,— дейди оддий аскар Алишер Эшонқулов.

Бўлинма аскарлари ўз касбий маҳоратларини ошириш бўйича керакли билимларни пухта эгаллаш йўлида сабот билан хизмат қилмоқдалар. Улар маънан ва жисман камол топишни асосий мақсадга айлантиришган.

Зиммаларидаги вазифа улардан ўта ҳушёрлик ва катта маҳоратлиликни талаб этади. Аскарлар малакасини оширишда офицер ва кичик командирлар саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Сафдошларим орасида,— дейди суҳбат чоғида Алишер,— ҳарб илми сирларини ўрганишга бўлган ҳаракатлари, тиришқоқлиги билан ажралиб турадиган аскарлар кўп. Шу ўринда кичик сержантлар — У. Ҳошимов, А. Шодиев, оддий аскарлар — У. Хўжамуродов, А. Ишев, А. Нарзуллаев каби ҳарбий хизматчилар номларини тилга олгим келади. Хулқ-атвори, яхши муомалалилиги, билим савиясининг юксаклиги боис яхши натижаларга эришаётган бу йигитлар бўлинмамизда обрў-эътибор қозонишган.

Утган бир йилдан кўпроқ давр ичида армия уларга кўп нарсаларни ўргатди. Улар ҳозирда сафларига яқинда қўшилган ёш аскарларга ўз тажриба ва билимларини ўргатишяпти.

**Лейтенант Ҳ. МИРЗАЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

**В ПОМОЩЬ КОМАНДИРУ ПОДРАЗДЕЛЕНИЯ**

# КАК ИЗУЧИТЬ ПОДЧИНЕННЫХ?

**Речь пойдет об эксперименте, анкетировании, изучении документов и других методах, позволяющих офицеру и сержанту целенаправленно вести работу по выявлению индивидуальных особенностей подчиненного личного состава.**

## В НЕОБЫЧНЫХ УСЛОВИЯХ

Особенность эксперимента или опыта, как одного из методов психологической науки, состоит в создании командиром таких необычных условий, в ходе которых наиболее четко проявляются индивидуальные особенности и свойства конкретного военнослужащего или воинского коллектива. Различают две разновидности эксперимента: лабораторный и естественный.

При лабораторном или искусственном эксперименте командир сам создает условия и обстановку, в которых предстоит действовать испытуемому.

Естественный эксперимент должен проходить в ходе повседневной учебно-боевой деятельности. Например, на тактических занятиях командир может, изменяя отдельные элементы обстановки или давая дополнительные вводные, наблюдать за действиями того или иного воина, делая выводы о его знаниях, памяти, сообразительности, настойчивости в достижении поставленной цели, инициативе и других качествах.

## УСТНО ИЛИ ПИСЬМЕННО

Анкетирование можно проводить устно или письменно по заранее разработанному личностному опроснику, представляющему из себя одинаковую для всех военнослужащих анкету. Вопросы в анкетах могут быть открытыми и закрытыми, прямыми и косвенными и, как правило, предполагающими короткие и однозначные ответы.

Результаты анкетного опроса подлежат статистической обработке и позволяют делать выводы, относящиеся к группе лиц. Анкетирование позволяет выявить интересы тех или иных военнослужащих, их отношение к той или иной проблеме или конкретному человеку.

## МЕТОД ТЕСТОВ И ДРУГИЕ

Тестирование предполагает постановку и решение испытуемыми задач в форме вопросов, картинок, схем, кинофрагментов. Так, при осуществлении профессионального отбора применяются бланковые и аппаратные тесты. Классический пример тестирования — тесты, применяемые в Узбекистане для оценки знаний желающих поступить в высшие учебные заведения.

Кроме вышеназванных методов командир может использовать изучение документов. Из личного дела, автобиографии, характеристик, отзывов, учетно-послужной карты, служебной карточки можно многое узнать о психологии конкретного военнослужащего.

Анализируя результаты воинской деятельности — журналы боевой подготовки, постовые ведомости, результаты выполнения учебных стрельб, вождения боевых машин, совершения маршбросков, результаты строевой и физической подготовки, также можно почерпнуть немало интересного. То, как воин заправляет кровать, убирает помещение, соблюдает порядок в тумбочке, много говорит о его исполнительности, аккуратности, ответственности, обученности, способности совместить свои интересы с интересами коллектива.

Метод обобщения независимых характеристик предполагает использование результатов наблюдения, беседы; обследования воина другими должностными лицами — сержантами, медицинским персоналом, офицерами подразделений, где он проходил службу ранее; мнения сослуживцев, родителей и так далее.

Таким образом, применяя все разнообразие различных методик, офицер может в полной мере выявить индивидуальные особенности каждого подчиненного. Целенаправленный процесс научного познания личности воина, а также всего воинского коллектива, позволяет выбрать наиболее оптимальные способы, формы и методы их обучения и воспитания.

**В. КЛЫШНИКОВ,**
**Полковник запаса.**

